*БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 14
27 ФЕВРАЛЬ
ШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СОВЕТ МАМЛАКАТИНИНГ ХОТИН-ҚИЗ ИШЧИЛАРИ ВА КОЛХОЗЧИЛАРИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ, САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИ, САВДО ХОДИМЛАРИ, СОВЕТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХИЗМАТЧИЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ АКТИВ, ИЖОДИЙ МЕҲНАТИ БЛАН БУНДАН БУЁН ҲАМ ВАТАНИМИЗНИНГ ШОН-ШУҲРАТИНИ ВА БОЙЛИГИНИ, УНИНГ КУЧ ВА ҚУДРАТИНИ ОШИРАДИЛАР, МАМЛАКАТИМИЗДА КОММУНИЗМ ҚУРИШ УЧУН КУРАШУЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ САФЛАРИДА ТУРАДИЛАР, ДЕБ ҚАТТИҚ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг Халқаро хотин-қизлар куни 8 март тўғрисидаги қароридан).

# Халқаро хотин-қизлар куни 8 март тўғрисида

## *КПСС Марказий Комитетининг қарори*

Совет халқи бу йил Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартни СССР Олий Советига бўладиган сайлов арафасида, сиёсий руҳ ва меҳнат ғайрати ниҳоятда ошган, Ватанимизни янада гуллатиб-яшнатиш учун бутун халқ кураш олиб бораётган вазиятда, Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатиш ва янги урушнинг олдини олиш учун, барча халқлар ўртасида тинчлик учун актив кураш олиб бораётган шароитда нишонламоқда.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини муваффақиятли бажармоқдалар. Совет халқи социалистик индустрияни ривожлантиришда қўлга киритилган муваффақиятларга таяниб ва уни янада тараққий эттириб Партия ва Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларини ва халқ исте'мол қиладиган моллар ишлабчиқаришни кескин суратда юксалтиришга, барча совет кишиларининг моддий фаровонлигини ва маданий турмуш даражасини кўтаришга қаратилган тадбирларини фидокорона ижодий меҳнат қилиб амалга оширмоқда.

Совет хотин-қизлари Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги умумий ишга, коммунизм учун кураш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Миллионларча совет хотин-қизлари коммунистик қурилишда актив қатнашмоқдалар, битмас-туганмас ғайрат, ижодий ташаббускорлик кўрсатмоқдалар, ташкилотчилик қобилиятларини ва талантларини ишга солмоқдалар. Коммунистик партия совет хотин-қизларига сиёсий тарбия бериш ва уларнинг маданиятини ўстириш тўғрисида, мамлакатни идора қилишда, хўжалик ва маданий қурилишда уларнинг онгли равишда ва актив қатнашишлари учун зарур бўлган шароитларни яратиб бериш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб, совет хотин-қизларини ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг кенг йўлига олиб чиқди.

Совет хотин-қизлари давлатни идора қилишда актив қатнашмоқдалар, улардан юзмингларча кишилар қобилиятли давлат арбоблари бўлганликларини кўрсатдилар. СССР Олий Совети депутатлари орасида хотин-қизлардан 280 киши бор, 2209 хотин-қиз иттифоқчи ва автоном республикалар Олий Советларининг депутатларидир, ярим миллиондан ортиқ хотин-қиз—маҳаллий Советларнинг депутатларидир. Совет халқининг энг яхши қизлари бўладиган сайловда СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилдилар.

Коммунистик партия тарбиялаган совет хотин-қизлари саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантириш учун курашда Ватаннинг муносиб ватанпарварлари эканликларини кўрсатдилар. Социалистик саноатда хотин-қизларнинг роли катта. Хотин-қизлар завод ва фабрикаларда, транспортда илғор техникани муваффақият блан ўрганиб олмоқдалар, юқори меҳнат унумига ва а'ло сифатли маҳсулот чиқаришга эришмоқдалар, корхоналарнинг резервларидан ва имкониятларидан тўла фойдаланиш учун курашмоқдалар; кўп хотин-қизлар ишлабчиқаришда янги иш методларини қўлланишнинг ташаббускорлари бўлмоқдалар.

Колхоз тузуми кўпмиллионли деҳқон хотин-қизлар оммасини ижодий меҳнатга отлантирди. Бизнинг шонли хотин-қиз колхозчиларимиз, МТС ва совхозлардаги хотин-қиз ишчиларимиз муттасил юқори ҳосил олиш, жамоат чорва молларининг сонини ва маҳсулдорлигини ҳартарафлама кўпайтириш учун социалистик мусобақанинг биринчи сафларида бормоқдалар. Ўнминглaрча хотин-қиз колхозчилар колхоз раислари, далачилик бригадаларининг бошлиқлари, чорвачилик фермаларининг мудирлари вазифаларига кўтарилди. Кўпминглаб хотин-қизлар механизаторлик ихтисосларини муваффақият блан ўрганиб, трактор ва комбайнларни юргизмоқдалар, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарида ишламоқдалар.

Хотин-қиз мутахассисларнинг кўпсонли армияси социалистик халқ хўжалигининг, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида, давлат аппаратида эркаклар блан бир қаторда самарали меҳнат қилмоқда. Совет хотин-қизлари фан ва сан'атда алоҳида ўрин тутмоқдалар. Мамлакатимизнинг илмий, ўқув ва маданий-оқартув муассасаларида икки миллион еттиюз мингдан ортиқ хотин-қиз ишлаб турибди. Хотин-қиз илмий ходимлар, инженерлар ва техниклар, агрономлар ва зоотехниклар ўзларининг илмий-текшириш ишлари, ихтиро'лари ва кашфиётлари блан совет фанини бойитмоқдалар. Хотин-қиз ёзувчилар, рассомлар, театр ва кинематография арбоблари совет сан'атини ривожлантиришда муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Бир миллиондан ортиқ хотин-қиз ўқитувчилар ёш авлодни оташин совет ватанпарварлиги ва халқлар ўртасида дўстлик руҳида, коммунизм қурилиши ишига садоқат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш соҳасида ўз кучларини сарфламоқдалар. Икки миллиондан ортиқ хотин-қиз соғлиқни сақлаш ва физкультура муассасаларида ишлаб, меҳнаткашлар соғлиғини сақлашдек олийжаноб вазифани адо этмоқдалар.

Совет хотин-қизларининг фан ва маданиятни эгаллашлари учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Бир миллион 300 мингдан кўп хотин-қиз олий ва махсус ўрта ўқув юртларида ўқимоқда.

Совет давлати ватанпарвар хотин-қизларнинг фидокорона, ижодий меҳнатига юксак баҳо бермоқда. Ватан олдидаги жуда катта хизматлари учун 2346 хотин-қизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонлари берилди. Фан, ихтиро'чилик, адабиёт ва сан'ат соҳасидаги катта ишлари учун 741 хотин-қиз Сталин мукофотига сазовар бўлди. 900 мингга яқин хотин-қиз—фан ва маданият арбоблари, саноат ишлабчиқаришининг илғорлари ва новаторлари, донгдор тракторчилар, ғаллакорлар, пахтакорлар, лавлагикорлар, чорвачилар СССР орденлари ва медальлари блан мукофотланди.

Совет мамлакатида оналар чуқур ҳурматга сазавордир, улар коммунизмнинг бўлажак қурувчилари—болаларни тарбиялашдек муҳим ва фахли вазифани адо этмоқдалар. СССРда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилишни та'минлайдиган дун'ёда энг илғор қонунлар амалга оширилган. Кўпболали 41 минг онага «Қаҳрамон она» деган юксак унвон берилди. Тўрт миллиондан кўп аёл «Оналик шуҳрати» орденлари ва Оналик медали медали блан мукофотланди. Совет давлати кўп болали оналар ва ёлғиз оналар тўғрисида доимий равишда ғамхўрлик қилиб, уларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. 1953 йилнинг ўзидагина шу мақсад учун олтиярим миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Совет давлати оналар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда, уларнинг ишлабчиқариш ва ижтимоий ҳаётга актив қатнашишлари учун имкониятлар яратмоқда, болаларни тарбиялашда ёрдам кўрсатмоқда. Мактаблар, болалар боқчалари ва яслилар қуриш учун, пионер лагерьлари ва болалар санаторийлари учун қилинаётган харажатлар йилдан-йилга кўпаймоқда.

Бутун дун'ё хотин-қизлари Совет Иттифоқининг тажрибасидан кўриб ишонмоқдаларки, фақат социализм ғалабасигина хотин-қизларнинг тўла озод бўлишларини та'минлайди ва уларга ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзларини кўрсатиш, ўз қобилиятларини ва талантларини ишга солиш учун имкон беради. Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Албания, Корея Халқ Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикасининг хотин-қизлари совет хотин-қизларидан ўрнак олиб, янги ҳаёт қуришда актив қатнашмоқдалар. Халқ Демократияси мамлакатларининг хотин-қизлари 8 март кунини социализм қурилишида, халқ фаровонлигини кўтаришда ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришиш блан нишонламоқдалар.

Капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткаш хотин-қизлар Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартни эксплуатация кучайиб бораётган ва меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайиб бораётган шароитда кутиб олмоқдалар. Зўр бериб қуролланиш, озиқ-овқат ва кенг исте'мол моллари нархларининг кўтарилиши, солиқларнинг ортиши ва ишсизлик хотин-қизлар устига оғир юк бўлиб тушмоқда. Қашшоқлик, очлик, касалликлар—уларнинг оилаларини тобора кўп қамраб олмоқда.

Капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳали ҳам эркаклар ҳуқуқи блан тенг бўлмасдан қолмоқда. Дун'ёнинг кўп мамлакатларида хотин-қизлар давлатнинг ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Биринчи навбатда хотин-қизларни ишдан маҳрум қилмоқдалар, улар эркаклар блан тенг меҳнат қилганликлари ҳолда эркакларга қараганда жуда кам иш ҳақи олмоқдалар. Меҳнаткашларнинг демократик ҳуқуқларига ҳужум қилиш тобора кучаймоқда, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган демократик ташкилотларга қарши қувғин қилиш чоралари тобора кўп қўлланилмоқда.

Капитализм мамлакатларидаги хотин-қизлар бундай аҳволга ортиқ чидаб туришни хоҳламайдилар, ўз болаларининг ҳаёти тўғрисида, ўз оилаларининг бахтли турмуши тўғрисида доимо ташвишланиб яшашни хоҳламайдилар. Хотин-қизлар ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эркаклар блан бир хилда ҳуқуқларга эга бўлиш учун тобора актив курашмоқдалар, ирқига, миллатига, тилига, динига қарамай оналикни, сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларини, билим олиш ҳуқуқини, хотин-қизларнинг демократик ташкилотларини тузиш ҳуқуқини давлат йўли блан қўриқлашни талаб қилмоқдалар.

Бутун дун'ё хотин-қизлари халқаро кескинликни юмшатишни, жанжалли масалаларнинг тинч йўл блан ҳал этилишини, халқлар ўртасида ҳамкорлик амалга оширилишини, атом, водород қуролидан ва одамларни кўплаб қирғин қилиш қуролининг бошқа хилларидан фойдаланишдан воз кечишни талаб қилмоқдалар.

Миллионларча хотин-қизлар иккинчи жаҳон уруши вақтида ўзларининг энг яқин кишилари—эрлари, фарзандлари, ака-укаларидан ажрадилар. Барча мамлакатларнинг хотин-қизлари болаларнинг ҳаётини кўзлаб, инсониятнинг келажагини кўзлаб бирлашмоқдалар, баланд овоз блан тинчликни ҳимоя қилиб, янги урушга қарши чиқмоқдалар. 66 мамлакатнинг 140 миллион хотин-қизларини бирлаштирган Халқаро Демократик хотин-қизлар федерацияси хотин-қизларнинг демократик ҳаракатида катта кучдир.

Совет хотин-қизлари Халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг олдинги сафларида бормоқдалар. Совет хотин-қизлари тинчлик ва демократия ишининг ғалаба қилиши учун халқ демократияси мамлакатларининг хотин-қизлари блан, капиталистик мамлакатлардаги ва мустамлакалардаги меҳнаткаш хотин-қизлар блан дўстона интернационал алоқаларини ривожлантирмоқдалар. Бутун дун'ё меҳнаткаш хотин-қизлари тинчлик учун, ўзларининг ҳаётий манфаатлари, орзу ва мақсадлари учун актив курашда совет хотин-қизларини ўзларининг содиқ дўстлари деб билмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети совет хотин-қизларини Халқаро хотин-қизлар куни 8 март муносабати блан қизғин табриклайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Совет мамлакатининг хотин-қиз ишчилари ва колхозчилари, фан ва маданият арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, савдо ходимлари, совет муассасаларининг хизматчилари ўзларининг актив, ижодий меҳнати блан бундан буён ҳам Ватанимизнинг шон-шуҳратини ва бойлигини, унинг куч ва қудратини оширадилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашучиларнинг биринчи сафларида турадилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Коммунистик Партия Марказий Комитети саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткаш хотин-қизларига мурожаат қилиб, уларни СССР тараққиётининг бешинчи бешйиллик планини тўла ва ошириб бажариш учун, социалистик хўжаликнинг барча имконият ва резервларидан тўла фойдаланиш учун социалистик мусобақада тобора янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун астойдил курашишга чақиради.

КПСС Марказий Комитети хотин-қиз ишчиларни, инженерларни, техникларни ва мастерларни меҳнат унумини ошириш, маҳсулотларнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун, ишлабчиқариш майдонининг ҳарбир метр қисмида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, машина-ускуналардан энг рационал фойдаланиш, ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганиш ҳамда кенг қўлланиш учун янада зўр ғайрат блан кураш олиб боришга чақиради. КПСС Марказий Комитети ишонадики, енгил ва озиқ-овқат саноатида ишловчи хотин-қизлар халқ исте'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтиришдан иборат умумхалқ вазифасини муваффақият блан амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч-қувватларини сафарбар қиладилар, молларнинг юқори сифатли бўлишига ва ассортименти хилма-хил бўлишига эришмоқ учун ижодий ташаббус ва маҳорат кўрсатадилар.

КПСС Марказий Комитети хотин-қиз колхозчиларни, МТС ва совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини чорвачиликни ривожлантиришдаги, картошка ва сабзавот етиштиришдаги қолоқликни тез тугатиш учун, дон етиштиришни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини янада юксалтириш, фан ютуқларини ва дон, сабзавот, техника экинларининг ҳосилини кўтариш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги илғор тажрибани колхоз ва совхоз ишлабчиқаришида кенг жорий қилиш учун курашишга, колхозларнинг жамоат хўжалигини ўстириш, МТС ва совхозларнинг ишларини яхшилаш учун, мамлакатимизда аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда енгил саноат учун хомаш'ёни мўл-кўл қилиш учун қунт блан курашишга чақиради.

КПСС Марказий Комитети маданият ходимлари бўлган хотин-қизларни совет фанини, адабиёт ва сан'атни, халқ маорифини ва соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш учун, хотин-қиз хизматчиларни—давлат аппаратининг ишини ҳартарафлама яхшилаш учун ўзларининг ижодий куч ва қобилиятларини сафарбар қилишга чақиради.

Коммунизм сари олға бораётган йўлимизда талай қийинчиликлар бор, бизда ҳали орқада қолаётган, планларни бажармаётган корхоналар ва ба'зи бир саноат тармоқлари бор, ҳали ҳам орқада қолаётган кўп колхозлар, МТС ва совхозлар бор. КПСС Марказий Комитети ишонч билдирадики, совет хотин-қизлари ишимиздаги бу қийинчиликларни ва камчиликларни тугатиш учун ўзларининг куч ва ғайратларини сафарбар қиладилар.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

# МТС партия ташкилотларининг ишчанлигини оширайлик

Совет давлати колхозларнинг асосий таянч пункти бўлган машина-трактор станцияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. МТСларнинг трактор парки совет олимлари яратаётган энг кучли тракторлар блан, қишлоқ хўжалиги ишларини комплекс механизациялаш учун энг мураккаб ва хилма-хил машиналар блан тобора кўпроқ бойимоқда. Эндиликда ҳамма нарса ана шу хилма-хил техникадан моҳирлик блан фойдаланишга, колхозлар, совхозлар, МТСлар ихтиёрида бўлган жуда катта резервларни ишга солишга боғлиқ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сентябрь Пленуми «Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун вужудга келтирилаётган моддий шароитлар ва имкониятларнинг ўзи партия ташкилотларининг фаолиятларини яхшиламасдан туриб, лозим бўлган натижани бермайди», деб уқтирди. Партия ташкилотларининг ишини яхшилаш тўғрисидаги бу кўрсатма барча қишлоқ партия ташкилотларига, шу жумладан МТС партия ташкилотларига таалуқлидир. Чунки, машина-трактор станцияларининг ишини яхшилашда, уларнинг колхоз ишлабчиқаришининг асосий таянч пункти сифатида ўз олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини та'минлашда МТС партия ташкилотлари катта роль ўйнайдилар.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин ўтган вақт ичида областьдаги МТС ва колхозларга 800 га яқин мутахассис юборилди. Улар ҳозир МТСларнинг директорлари, бош инженер, бош агроном, ремонт мастерскойларининг бошлиқлари бўлиб ишламоқдалар. Шу муносабат блан МТС партия ташкилотларида коммунистларнинг сони кўпайди, улар ташкилий жиҳатдан анча мустаҳкамланди. МТС партия ташкилотлари машина-трактир станциялари олдига қўйилган асосий вазифани—колхозларда барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ҳартомонлама ошириш, жамоат чорва молларининг кўпайтирилишини ва шу блан бир вақтда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ўзлари хизмат кўрсатаётган колхозларда деҳқончилик ҳамда чорвачилик ялпи ва товар маҳсулотининг кўпайтирилишини та'минлаш вазифасининг муваффақиятли бажарилиши учун курашда ўз фаолиятларини анча яхшиладилар.

Ўртачирчиқ 4-нчи МТСининг бошланғич партия ташкилоти Пленум қарори асосида ўз ишини қайта қуриб, ишлабчиқариш масалалари блан яқиндан шуғулланабошлади. Партия йиғилишлари ўз вақтида ўтказилиб, МТСнинг ишига оид актуал масалалар муҳокама қилинмоқда. Партия ташкилоти МТС ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Мурожаатини трактор бригадалари, мастерской ишчилари ва мутахассислар ўртасида кенг муҳокама қилишни уюштирди. МТС коллективи 1954 қишлоқ хўжалик йилини янги муваффақиятлар блан якунлаш учун ўз устига катта мажбуриятлар олди. Партия ташкилоти механизаторларнинг ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилиб, ремонтни муддатидан илгари тамомлашга муваффақ бўлди. Механиклар ва тракторчилар пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришни асосий шарт қилиб белгиладилар, тракторларнинг иш унумини ошириш, механизмлар ишининг таннархини камайтириш, ёнилғи ва мойлаш материалларини тежаш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдилар.

Оққўрғон 1-нчи МТСи, Қизил Байроқли Оржоникидзе МТСининг бошланғич партия ташкилотлари ҳам ишлабчиқаришга яқиндан раҳбарлик қилиш, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтириш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш соҳасида самарали ишламоқдалар.

МТС бошланғич партия ташкилотларининг ҳозирги жанговар вазифаси—МТСнинг кўкламги экишга пухта тайёргарлик кўришини та'минлашдан иборат. Броқ областимиздаги бирқанча МТС бошланғич партия ташкилотлари кўкламга тайёргарлик кўришда коллективнинг ҳаракатига бошчилик қилмаётирлар. Бўка районидаги 2-нчи МТС трактор ремонти планини 51процент бажарди. МТС директори ўртоқ Журба, бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ғуломов ремонт ишларини тезлатиш учун моддий-техника ресурсларидан тўла фойдаланмаётирлар. Тракторчи ва ремонт ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар бўш, социалистик мусобақа қизғин тус олмаган, ремонт бригадаларининг иши устидан контрольлик қилинмайди, камчиликлар вақтида аниқланмайди, ремонтни ўз вақтида туғаллашга коллектив тўла сафарбар қилинмаган.

Ҳозир МТС ходимларининг бутун кучи ремонт ишларини муваффақиятли тугаллашга, барча қишлоқ хўжалик асбобларини кўкламги экишга тахт қилиб қўйишга қаратилиши керак. Шунинг блан бирга, трактор ва тирков машиналарининг сифатли ремонт қилинишига алоҳида э'тибор берилиши лозим. Бу ишда бошланғич партия ташкилоти, МТС раҳбарлари ва мутахассислар етакчи куч бўлишлари керак. Технология интизомига қаттиқ риоя қилиш, брак бўлишига йўл қўймаслик, ишлабчиқаришнинг ҳамма резервларидан моҳирлик блан фойдаланиш, запас қисмлар ва материалларни тежашга эришиш, ремонт ишларининг таннархини камайтириш—механизатор ва тракторчиларнинг шарафли бурчидир.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Коммунистик партияси XII с'ездининг пахтачиликни ривожлантириш, пахта ва бошқа экинлар ҳосилини ошириш юзасидан белгилаган тадбирларини муваффақиятли бажариш қишлоқ партия ташкилотларидан, шу жумладан МТС бошланғич партия ташкилотларидан қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишни тубдан яхшилашни талаб қилади. Партия ташкилотлари ўзларининг бутун ишларида колхоз, МТС ва совхозлардаги илғор кишиларга—деҳқончилик ва чорвачилик мастерларига таяниб ишлашлари, ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий ишларни хўжалик вазифалари блан маҳкам боғлаб олиб боришлари керак.

Район партия комитетлари, МТС зонаси бўйича райком секретарьлари МТС бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлашга, уларнинг ишчанлигини оширишга алоҳида э'тибор беришлари лозим. Чунки, МТСларнинг муваффақиятли ишлашлари партия органларининг ўз ишларини машина-трактор станцияларига қанчалик яқинлаштирганликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунга эришмоқ керакки, МТС бошланғич партия ташкилотлари ишлабчиқариш масалалари блан чуқур шуғулланадиган бўлсин. Партия ташкилоти тракторлар ремонти вақтида, кўкламги экиш даврида механизаторлар ўртасида оммавий-агитация ва сиёсий-тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйсин, коммунистларнинг авангардлигини та'минласин.

1954 йил область қишлоқ хўжалигини, шу жумладан унинг асосий тормоғи—пахтачиликни янада ривожлантиришда кескин бурилиш йили бўлмоғи лозим. Қишлоқ партия ташкилотлари колхозчилар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақага бошчилик қилиб, илғорларнинг тажрибаларини кенг ёйишлари, уларнинг новаторлик ташаббусини қўллаб-қувватлашлари керак. Партия ходимлари, барча коммунистлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни колхозчилар ва механизаторларга кенг тушунтиришлари, далаларнинг ҳосилини ошириш ва чорва маҳсулдорлигини кўпайтириш учун уларнинг кучларини тўла сафарбар этишлари лозим.

Областимизнинг илғор МТСлари ремонт ишларини муддатидан илгари тамомлаб, барча машиналарни кўкламги экишга тахт қилиб қўйдилар. Ма'лумки, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш кўкламги ишларни уюшқоқлик блан ўтказишни талаб қилади. МТС бошланғич партия ташкилотлари ремонт вақтида ортдирилган тажрибалар асосида трактор бригадаларида оммавий-сиёсий ишларни қизитиб юборишлари, тракторчиларга маданий-маиший хизматни яхшилашга зўр э'тибор беришлари, далачилик бригадалари блан трактор бригадалари ўртасида ҳамкорликни кучайтиришлари керак.

Бутун мамлакат СССР Олий Совети сайловига қизғин тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтда партия ташкилотлари олиб бораётган ташкилий-сиёсий ишларнинг ҳажми янада ошди. МТС партия ташкилотлари сиёсий агитациянинг бутун форма ва воситаларидан тўла фойдаланиб, агитациянинг ўткир ва та'сирчан бўлишига эришишлари керак. Ўқиладиган лекция, докладларда, агитаторларнинг суҳбатларида КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қароридан ва Ўзбекистон КП XII с'ездининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар механизаторлар ва колхозчиларга кенг тушунтирилиши керак. Ҳарбир трактор бригадасига алоҳида агитаторлар биркитиб, уларнинг ишини кузатиб бориш ва уларга ёрдам бериб туриш зарур. Агитаторлар деворий газета, «Жанговар варақа»ларни вақт-вақтида чиқариб туришга, илғор механизаторларнинг тажрибаларини кенг ёйишга ҳаракат қилишлари лозим.

Областимиз механизаторлари МТС ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида яхши кўрсаткичларга эришиш учун, қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялаш учун бутун куч ва воситаларини сафарбар этмоқдалар. Механизаторларнинг бу ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик этиш, трактор паркининг кўкламги экишга тахт қилиб қўйилишини та'минлаш МТС бошланғич партия ташкилотларининг шу кеча-кундуздаги энг муҳим ва жанговар вазифасидир.

# Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторларининг музика маданияти

ЛЕНИНГРАД, 25 февраль (ТАСС). Кеча Ленинградда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари композиторларининг ҳамда музикашуносларининг бу республикаларда музика ижодини ривожлантириш масалаларига бағишланган кенгаши очилди.

Кенгашни СССР Совет композиторлари союзининг секретари М. Чулаки очди. СССР Совет композиторлари союзининг секретари М. Коваль Ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда профессионал музика маданияти анча ўсганлигини та'кидлаб ўтди, бу республикаларда кейинги вақтда турли жанрларда яратилган энг қимматли асарларни та'рифлаб берди. Докладчи бирқанча жиддий камчиликларни, айниқса опера ижодиётининг орқада қолаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Биринчи мажлисда Ўзбекистон ва Тожикистон композиторларининг асарлари тингланди. Бу республикалардаги композиторлар союзлари раислари С. Бобоев ва А. Ленскийларнинг докладлари бўлди.

Кенгаш 2 мартгача давом этади. Филармониянинг Катта залида ва промкооперация Маданият уйида бешта қардош республика композиторларининг асарларидан иборат очиқ концертлар бўлади.

